

Асаджон ХОДЖАЕВ,  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори



## МИЛЛИЙ КУТУБХОНАНИНГ АХБОРОТ ЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ

*This article is devoted to activity of Alisher Navoi National Library of Uzbekistan in the period of independence, it is described new possibilities for readers in the field of information-library services based on modern information-communication technology.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1729-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сон қарорларидан келиб чиқиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги матнда – Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш манфаатлари йулида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этиб келмоқда. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали аҳолига, айниқса ёшларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, билимини, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини тулик қондириш учун қулай шарт-шароитлар, кенг ахборот ресурслари базаси яратилган.

Бугунги кунда мазкур зиё масканининг фондида 7 миллион нусхага яқин адабиётлар жамланган бўлиб, шундан XV–XIX асрларга оид адабиётлар 250 мингдан ортиқ нусхани, нодир ва ўта ноёб нашрлар эса 16 минг нусхани ташкил этади. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Имом-ал Бухорий, ибн Жазулий, Ҳамадоний адиблар, давлат ва жамоат арбоблари, тарихнависларнинг қўлёзма асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланиб келинаётган Туркистонда илк чоп этилган «Туркистон вилоятининг газетаси» (1870–1917), «Туджор» (таржима) (1907), «Ту-

рон» (1919), «Садои Туркистон» (1914), «Иштирокиюн» (1917), «Туркестанские ведомости» (1870–1917), «Самарқанд» (1904–1907) газеталари фойдаланувчилар учун қимматли манба ҳисобланади.

Халқимизнинг илмий, тарихий, маданий ва маърифий меросини авайлаб асраш, унинг жаҳон тамаддунига қушган улкан ҳиссасини янада кенгрок намойиш этиш, аждодларимиз яратган бетакорор асарлар, қўлёзмалар ҳамда ноёб нашрларни келажак авлодга етказиш, уларни авайлаб асраш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 9 августда “Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондини тизимли қупайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарорининг қабул қилиниши бошланган ишларни давлат миқёсида ташкил этиш имконини яратди.

Қарорда ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар фондларида сақланиб келинаётган қадимги қўлёзма ва ноёб китобларни электрон форматга ўтказиш, шунингдек, аҳоли қулида сақланаётган қупдан-қуп эски қўлёзмалар, қадимги ва нодир китобларни сотиб олиш, манбаларни замонавий технологияларни қўллаган ҳолда реставрация қилиш, тизимли қупайтириш ишлари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Юқоридаги вазифаларни самарали ташкил қилиш мақсадида, ҳозирда давлат кутубхоналари, музейлар, архив ташкилотларида сақланиб келинаётган қадимги қўлёзмалар, нодир китобларнинг электрон каталогини тузиш, уларни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мавжуд бўлган



нодир китоблар фондининг электрон каталоги билан қиёслаб, йўқ китобларни аниқлаш ҳамда Миллий йигма электрон каталоги асосида мазкур нашрларнинг тулик матнли электрон маълумотлар базасини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида фойдаланувчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат курсатиш учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, 700 уринли 11 та ўқув залларида ахборот-кутубхона фаолиятини юқори даражада олиб боришга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар ва техник воситалар ўрнатилган, Wi-Fi тизими йўлга қўйилган. Бундай шароитлар туфайли кутубхоналар, айниқса ёшларнинг кутубхонага ташрифни йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2014 йил якунлари таҳлилига кўра Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчиларининг жами сони – 96 639 нафарни ташкил этган бўлса, 27719 нафар фойдаланувчи рўйхатдан ўтган. Фойдаланувчиларнинг ташрифи – 613 574 маротаба қайд қилиниб, шундан 74 839 таси кутубхона веб-сайтидан фойдаланганларни ташкил қилди, китоб бериш 815 539 нусхага етди.

Бундан ташқари, электрон ресурсларни яратиш бўйича 532501 электрон библиографик ёзув ва 339093 та тула матнли электрон нашрга эга бўлинди.

Кутубхонанинг янги биносидаги “Ўзбекистон”, “Адолат”, “Истиқбол”, “Жаҳон”, “Тафаккур” снгари ўқув залларида очик фондлар ташкил қилиниши китобхоналар учун яратилган энг қулай шароитлардан бирин бўлди. Фонднинг очик тарзда жойлашуви фойдаланувчини китоб жа-

вонлари оралаб ўзига зарур бўлган китобларни бемалол излаши ва буюртма бериши, шунингдек, кутубхона фондига янги олинган китоблар билан яқиндан танишиш имконини берди. Китобларнинг барчасига RFID-чиплари жойлаштирилгани ва кутубхонанинг биринчи қавати фойесида чиплардан таъсирланувчи махсус мослама ўрнатилгани бирор китобнинг кутубхонадан ташқарига чиқиб кетиши, яъни йўқолишининг олдини олади.

Фойдаланувчиларга кутубхона фондларида мавжуд нашрларнинг тулик электрон шакли билан хизмат курсатиш йўлга қўйилиб, мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган 13 мингдан зиёд номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тулик электрон шакли билан “Илм” ўқув залида танишиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, барча ўқув залларида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, турли энциклопедиялар, фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган авторефератлар, сиёсий, илмий-оммабоп, бадиий асарларнинг электрон шакллари яратилганлиги қўшимча қулайликлар вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчиларига фондлардан кенгрок фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсадида ўқув заллари замонавий электрон дастурлар билан таъминланди. Жумладан, “Ижод” ўқув залига ўрнатилган Sibelius – Sibelius Software фирмасининг Microsoft Windows, Mac OS, Mac OSX ва RICS OS учун нота партитуралари муҳаррири саналадиган махсус дастур бастакорлар, мусикий сайқал усталари, чолғувчилар, талабалар ва шу соҳага



кизикувчи кутубхона фойдаланувчилари орасида катта кизиқиш уйғотмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу дастур ёрдамида фойдаланувчилар ноёб нота нашрларининг нафақат электрон шаклига, балки босма нусхасига, ўзининг мужазгина нашриётига эга бўлиш имкони яратмоқда. “Жаҳон” хорижий адабиётлар укув залида TOEFL, IELTS, GRE, GMAT, SAT, LSAT, MCAT, ACT ва бошқалардан очик фойдаланиш, шунингдек, китобхонлар учун Proquest, EBSCO Publishing, JSTOR, ALUKA, eLIBRARY каби хорижий илмий-таълимий электрон базалардаги тулик матнли китоб ва журналларга эркин кириш имкониятларини бермоқда.

Ҳар бир китобхоннинг имкон қадар вақтини мазмунли ва кизиқарли ўтказишини таъминлаш учун барча шароитлар яратилмоқда. Фойдаланувчиларга хизмат курсатишни юқори савияда ташкил қилиш ва энг муҳими адабиётларни излаб топиш учун сарфланадиган вақтни камайтириш мақсадида тегишли адабиётларни икки нусхада, яъни босма ва электрон нусхаларда тақдим этишга интилоқдамиз.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюраётган фойдаланувчиларга нафақат шуғулланишлари учун балки, маданий ҳордик чиқаришлари учун ҳам шароит яратишга ҳаракат қилинмоқда. Шу ўринда масканимизда яратилган манзарали боғлар, дам олиш бурчаклари ҳамда кино марказида намойиш этиб келинаётган ўзбек, рус, инглиз тилларидаги бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар катта таассурот қолдирмоқда.

Кутубхонамизда турли ёшдаги кўп сонли китобхонларнинг маънавий-маърифий йўналишдаги эҳтиёжларини қондиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар чоршанба кунини “Маънавият куни” деб эълон қилинди, алоҳида маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб

чиқилиб, унда тадбирлар 4 йўналишда олиб борилиши йўлга қўйилди.

*Хусусан, Ўзбекистон Республикаси:* давлатчилик тарихи, ижтимоий-иқтисодий сиёсати, халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва умумхалқ байрамлари юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар.

*Маънавият ва маърифат:* буюк алломаларимиз, маърифатпарвар олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни тарғиб қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар.

*Жамият ва оила:* мустақкам оила, жамиятда аёлнинг ўрни, маънавий-ахлоқий тарбия, миллий кадриятлар ва соғлом турмуш тарзини шакиллантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар.

*Фан ва таълим:* билим эгаллаш, зиё тарқатиш, интеллектуал салоҳиятни кўтариш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар.

Барча йўналишларда ташкил қилинадиган тадбирлар шакли турлича, лекин уларнинг барчаси бир мақсадга, яъни ҳозирги замонда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳиятини, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ёш авлод қалби ва онгига сингдириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ахборот хуржларига қарши курашиш, одамларни хушёрликка ва огоҳликка даъват этиш борасидаги ишларни янада кучайтиришга қаратилганидир. Уларни амалга оширишда кутубхонада фойдаланувчилар учун давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маҳорат мактаблари, семинар-тренинглар, амалий санъат ва китоблар тақдими, адабиётларнинг очик кургазмалари, библиографик обзорлар, танловлар каби тадбирлар мунтазам равишда ташкил қилиниб келинмоқда.

Албатта бундай тадбирларни амалга оширишда кутубхона кўплаб муассаса ва ташкилотлар би-



лан ҳамкорликда ишлаши турган гап. 2014 йилда кутубхона томонидан 246 та маънавий-марифий тадбирлар ташкил қилинди. “Китобхонлар байрами” кўрик танловининг республика босқичи, “Бугунги кун китобхонлари ва китобхонлик масаллари” мавзусида давра суҳбати, Алишер Навоий таваллуди муносабати билан “Навоий ва замондошимиз” мавзусида, адабий-бадиий кеча, “Олис юлдуз шуъла таратар” мавзусида ғазалхонлик ва театрлаштирилган томошалар, “Мангуликка муҳрланган тафаккур” мавзусида давра суҳбати, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Алишер Мирзаевнинг “Нақшинкор чизгилар” номли расмлар кўргазмаси ва ижодий учрашув, “Фалсафа ва фан методологияси муаммолари» мавзусида илмий-назарий семинар, шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб «Ўзингдан куймасин халқим» мавзусида хотира кечаси, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков билан ижодий учрашув, «Хукукий маданиятли оила – фуқаролик жамиятининг таянчи» мавзусида илмий-амалий конференция, «Замонавий илм-фаннинг ривожланиши ва синтези» мавзусида илмий-амалий конференция, «Демократик модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар ролини оширишнинг хукукий асослари» мавзуида семинар, “Юксак маънавиятли авлод” фестивалининг республика босқичи ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Бугунга келиб Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маъмурияти кутубхонага инновацион технологияларни кенг жалб этиш, ахборот-кутубхона фаолияти жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, янги хизмат шакллари жорий қилиш, фойдаланувчиларга масофадан хизмат кўрсатиш ва ягона йиғма электрон каталог орқали барча ахборот-кутубхона муассасалари фондлари билан хизмат кўрсатишни жорий қилиш мақсадида дав-

лат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Миллий кутубхона “Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги “Корея Республикасининг иктисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кумагида” Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини биринчи навбатда амалга ошириш буйича чоралар туғрисида”ги ПҚ-2088-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки уртасида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги кумагида Миллий кутубхонада жорий йилнинг 22 декабрь куни Корея Миллий кутубхонаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида “Кореяга нигоҳ” укув хонаси ташкил қилинди ва у 3 мингдан зиёд китоб, техник жиҳозлар ҳамда зарур анжомлар билан таъминланди.

Шунингдек, кутубхона томонидан 2013–2014 йиллар давомида кутубхона фондларидаги илмий қимматга эга адабиётларни тарғиб қилиш ва фойдаланувчига масофадан тезкор хизмат кўрсатиш, кутубхона хизмат ваколати доирасида амалга оширадиган хизматларни онлайн тарзда юритиш, фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 7 та техник лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, “ISBN, ISSN ва УЎК, КБК” рақамларини бериш” интерактив онлайн хизмати, “Нодир нашр ва қўлёзмалар маълумот базасини яратиш, сақлаш ва аниқ тақдим қилиш жараёнини автоматлаштириш”, “Миллий кутубхонанинг ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик ҳисоботини автоматлаштириш”, “Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси”, “Шахсий кабинет”, “Имидж каталог” дастурлари шулар қаторига қиради.

Миллий кутубхона кенг миқёсда халқаро алдоқаларни олиб бормоқда. Польша Миллий кутубхонаси, Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси, Қирғизистон Республикаси Миллий кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Александрия кутубхонаси, М.Ф.Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Миллий кутубхона ва архивининг бош бошқармаси, Латвия Миллий кутубхонаси, Туркменистон миллий маданият марказининг Миллий кутубхонаси, Шанхай







кутубхонаси, Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари ана шундан далолат беради

Республика ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2013 йил 27 декабрдаги 20-сонли баёни 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан бир қатор хорижий давлатлар кутубхоналари билан музокаралар олиб борилиб, мутахассисларнинг малакаси ҳамда тажрибасини ошириш мақсадида хорижий кутубхоналарга хизмат сафарлари ташкил этилди. Шундай сафарлардан бири 2014 йилнинг 22 июнидан 1 июлига қадар ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси тасарруфларидаги ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналардан, шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан 11 та мутахассис Корея Республикасининг Сеул шаҳридаги Кёнхи университети мутахассислари томонидан тайёрланган махсус дастур бўйича танишувда иштирок этдилар. Мутахассисларимиз Кёнхи университетининг Асосий кутубхонаси, кутубхонанинг Юридик филиали, Тиббиёт филиали, Сежонг шаҳридаги Корея миллий кутубхонаси, Сеул шаҳридаги Корея миллий кутубхонаси, Корея электрон кутубхонаси, Сеул метрополитен кутубхонаси, Инчо шаҳридаги Йонсей университети кутубхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Таъкидлаш лозимки, Корея кутубхоналари билан яқиндан танишиш ўзбекистонлик мутахассисларни ахборот технологияларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, кутубхона хизматини такомиллаштириш, инновацион лойиҳаларни

ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш, ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаштириш жараёнларини янада ривожлантириш, онлайн хизматлар турини кўпайтириш, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат курсатиш тизимини туғри ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича ўз кўникма ва малакаларини оширишда катта самара берди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси олдида турган устувор вазифалардан бири “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини ва бошқа техник лойиҳаларни тулиқ ишга тушириш, фойдаланувчи ёшларимизнинг билим олишлари ва чет тилларини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида инглиз, корейс, немис тилларида сузлашув клубларининг фаолиятини йўлга қўйиш, хизмат курсатиш соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришдир.

Бугун кутубхонамиз ахборот-кутубхона фаолияти ва уни янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим бўғинлардан бири сифатида ёш олиб бормоқда. Кутубхонанинг замонавий даражада фаолият курсатиши учун энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган шароитлар яратилган. Бундай ғамхўрлик боис юртимизда етук билимли, юксак маънавий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка дадил ишонч билан қарайдиган баркамол ёш авлод тарбияланмоқда. Бунда халқимиз ва жаҳон цивилизациясининг улкан маънавий, илмий ва маданий мероси куз қорачигидек асраб-авайланаётган, узининг 145 йиллик нуруний ёшида Истиклол туфайли навқиронлик касб этиб, қалбларга эзгулик ва зиё улашаётган Ватанимиз бош кутубхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан мамнунмиз.